

Эҳ, бу телефон деганлари...



17:17 / 02.11.2022 1992

Телефон деганлари аллақачон шайтоннинг чалғитувчи ўйинчоғига айланиб бўпти. Аввалари бу матоҳга унчалик эътибор қилмаган эканман, умра сафарига боргач бунга юз фоиз ишонч ҳосил қилдим. Шайтони лаин телефон орқали зиёратчиларни хоҳлаган ноғорасига ўйнатяпти. Ҳа, шайтон муқаддас саналган икки ҳарамда, одамларни очикдан очик, бемалол йўлдан уряпти.

Барака топкур умрачиларимиз меҳмонхона фаесида уйдагилари, куда-андалари, ёри дўстлари билан телефон орқали гаплашиб чарчашмайди. Набираларини телефон орқали эркалатишадими-ей, ғойибона ўпишадими-ей. Яна гап орасида бу ерда совға саломлар қимматлигини, ўзимизда арзонлигини айтиб, нимадан қанча олиш кераклигигача айтишади. Қаерга, нимага келганини баъзилар унутиб ҳам қўйишган. Оёғингни тагига сўйиш

учун етмиш килолик қўй олдим, худойига эллик кило лазер етар каби гаплар.

Айниқса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига саломга кирадиганларнинг деяри хаммининг қўлида телефон. Хаёллари ибодатда эмас, балки бу ердаги манзараларни яқинларига тўғридан-тўғри узатиш. Иккита учта калла бир бўлиб, суратга тушишлар. Битталарининг бўйи новча экан телефони бошқалардан баландда кўринади. Телефонида битта хушрўй аёлнинг сурати кўриниб турибди. Хотини бўлса керак. Ҳойнаҳой тасвирни унга жўнатяпти. Буёқдаги номахрамларнинг кўзи суратда. Даюсона бир ҳолат. Яхшики, битталари телефон эгасига яқин бориб билар экан, суратни ўчирди. Телефон эгаси шундай қилишни билмаса керак-да...

Хуллас, умра ва ҳажга борувчилар телефонларини ё уйда ё меҳмонхонада қолдирганлари маъқулга ўхшади. Шунда озгина бўлса ҳам шайтондан ғолиб келган бўлармидик? Хўш, бу гапларга сиз нима дейсиз?

Эркин Малик